Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Андижонда 9 ой натижаларига кўра 21677 нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилди

2019 йилнинг 9 ойида вилоят бўйича 21 минг 677 нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, 1 минг 317 нафар оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг бандлиги алоҳида дастур асосида ташкил этилди. 1 минг 729 нафар хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди ва улар томонидан 4 минг 425 та иш ўринлари яратилди.

Тижорат банклари томонидан эса 2 минг 123 нафар хотин-қизларга тадбиркорлик учун 144 млрд. 284 млн. сўм кредитлар берилди. Шунингдек, хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 405 нафар хотин-қизларга 10 млрд. 018 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.



□□□Жорий йилнинг 7 ноябрь куни□Андижон вилояти ҳокимлигида вилоят ҳокими Ш.Абдураҳмонов

раислигида Андижон вилоятининг чекка ҳамда инфратузилма яхши ривожланмаган ҳудудларида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, жойларда ўтказилган сайёр қабулларда фуқаролар, хусусан хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ўз таклифларини билдирган тадбиркорлар билан учрашув ўтказилди.



Учрашувда вилоятдаги масъул вилоят ташкилотлари раҳбарлари қатнашди. 81 нафар фуқаролар 3 млрд. 860 млн. сўм қийматига эга бўлган лойиҳаларини тақдим этдилар. Ушбу лойиҳалар асосида

тикувчилик, ўқув маркази, аёллар гўзаллик салони, спорт-соғломлаштириш ҳамда ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишларига кўмаклашадиган кўнгилочар дам олиш масканлари ташкил этиш ҳисобига хотин-қизлар учун 846 та янги иш ўринлари яратиш имконияти ҳисоб-китоб қилинди. Тадбирда лойиҳа ташаббускорларининг ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш учун талаб қилинаётган эҳтиёж, талаб ва фикрлари ўрганилди. Амалга ошириш зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.



□□□Ҳар бир тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи ва кенгайтирмоқчи бўлган тадбиркорларга ўз истакларига кўра вилоятдаги тижорат банклари ҳамда масъуллар бириктириб берилди.


//andpress
//andpress
//andpressa
//andpressa

Андижон вилоят ҳокимлиги
Матбуот хизмати

www.andijan.uz

Facebook | Twitter | Instagram | YouTube | Telegram